

Фикҳ дарслари (162-дарс) Фатво



19:00 / 02.12.2021 4121

«Рукуъ» луғатда «эгилиш» деган маънони билдиради.

Шариатда эса бош ва бел билан қўли тиззасига етгунча энгашишга «рукуъ» дейилади. Рукуънинг энг ози икки кафтнинг тиззаларга етишидир. Мукамал рукуъ эса тиззаларни чангаллаб ушлаган ҳолда бел ва бўйинни тўғрилаб, теп-текис бўлишини таъминлашдан иборатдир.

Пешона ва бурун ила сажда қилиш. Фатво шунга берилган.

«Сажда» сўзи луғатда «бўйсунуш», «ҳокисорлик», «ўзини паст олиш» ва «майл» деган маъноларни билдиради.

Шариатда намозхоннинг очиқ пешона ва бурнини ерга қўйиши саждадир.

Рукуъ ва сажданинг намозда фарзлигига далиллар:

Аллоҳ таоло Ҳаж сурасида:

رَبِّهِمْ أُولِعَافًا وَمُكَبَّرًا وَأُذْخَسًا وَأُوعَكَّرًا أَوْنَمَّآ نِيْدَلَا أَوْيَا أَي
نُوحَلْفَتُمْ كَلْعَل

«Эй иймон келтирганлар! Рукуъ қилинглар, сажда қилинглар», деган (77-оят).

Намозни нотўғри ўқиган кишига таълим берар эканлар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга намознинг фарзларини лўнда қилиб

шундай тушунтирганлар:

«عَكَرًا مُمْثٌ، أَنْزُقُوا لَمْ كَعَمَ رَسَيَاتِ أَمْ أَرْقَا مُمْثٌ، رَبَّكَ فَالْصَّلَاةَ لِيَلِ تُمْ قُ إِذِإِ
نِيَّ مُمْطَاتِ يَّتَحَ دُجْسَا مُمْثٌ، أَمْ إِاقَ لَدَعَاتِ يَّتَحَ عَفْرَا مُمْثٌ، أَعَكَارٌ نِيَّ مُمْطَاتِ يَّتَحَ
أَوَّلُكَ لِكَلِ الصِّيْفِ لَدَلْ عَفَاو، أَسْلَاجٌ نِيَّ مُمْطَاتِ يَّتَحَ عَفْرَا مُمْثٌ، أَيْجَاسُ
عَسْمُ خَلَا هَاوَرُ».

«Намозга турганингда такбир айт, сўнг Қуръондан билганларингни ўқи. Кейин рукуъ қил ва рукуъдаги ҳолингда (бироз) тин ол. Кейин (бошингни) кўтар ва қаддингни ростлаб, тиклан. Кейин сажда қил ва саждадаги ҳолингда ҳам (бироз) тин ол. Кейин бошингни кўтар ва ўтирган ҳолингда (бироз) тин ол. Намозингнинг ҳаммасида ҳам шундай қил».

Бешовлари ривоят қилишган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобалар ҳар бир намозда доимо рукуъ ва сажда қилганлар, бу амалларни бирор марта ҳам тарк қилмаганлар.

Уламолар сажданинг етти аъзо билан амалга ошишига иттифоқ қилганлар.

مجلس و هيلع هلال صلصبي نل انع ، امه ن ع هلال اي صر ساب ع ن با ن ع
- وف ن ا ل ع و دي ب ر اش او - هه ب ل ا ؛ مطع ا ع ب س ل ع د ج س ا ن ا ت ر م ا ؛ ل ا ق
- ع ش ل او ب اي ث ل ا ت ف ك ن ال و ؛ ن ي م د ق ل ا ف ا ر ط ا و ؛ ن ي ت ب ك ر ل ا و ؛ ن ي د ي ل ا و
ع س م خ ل ا ه ا و ر .

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Етти аъзо билан: пешона, – қўллари билан бурунларига ҳам ишора қилдилар – икки қўл, икки тизза ва икки оёқнинг учи билан сажда қилишга ҳамда кийимлар ва сочни йиғиштирмасликка буюрилдим», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Сажда қилинувчи аъзоларнинг бир қисмини ерга қўйиш билан сажданинг фарзи адо этилган бўлади. Шунингдек, оёқларнинг ҳеч бўлмаганда бир бармоғи ерга тегиши ҳам шарт.

Рукуъни бир марта, саждани икки марта қилиш тааббудий, яъни ҳикматини банда тушунмаса ҳам ибодат учун амалга ошираверадиган амаллардандир.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди